

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

3-сон
(815)
2018 йил
22 январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

44. «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сон Фармони
45. «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сон қарори

Учинчи бўлим

46. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғар-

маси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 январдаги 26-сон қарори

47. «Банкни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун йиғим, шунингдек, банк рўйхатдан ўтказилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдорларини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 январдаги 31-сон қарори
48. «Биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 январдаги 33-сон қарори

Бешинчи бўлим

49. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги 26-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-16*)
50. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги 27-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-5*)
51. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сон «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-1*)
56. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 10 январдаги 7, 2, 2017/09-17, 2018-03, 01-02/8-2-сон «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томони-*

дан 2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932-2)

57. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 72, 190-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2964*)
58. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 189, 2017-69, 01/15-1-10/36-сон «Сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун сугурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-5*)
60. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очилдиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-14*)
61. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 5 январдаги 01-02/12-1-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-3*)
62. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 11 январдаги 106-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-91) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-9*)
63. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 17 январдаги 41-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 170-1*)

64. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 1-2018, 1-мх, 2-қ/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2965*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 13 январдан 19 январгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

44 Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва содда-лаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навонинг асоссиз оширилиши, оқибатда, бу асосда кўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиддий тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бозорда айрим импорт қилувчиларнинг устун мавқега эга бўлишига улар учун индивидуал имтиёз ва преференцияларнинг тақдим қилинганлиги, уларнинг фаолияти учун эксклюзив шароитлар яратилганлиги кўмаклашган, бу эса бошқа тадбиркорлик субъектларининг бозорга кириш имкониятини чеклашга олиб келмоқда.

Мазкур соҳада юзага келган вазият ишчанлик фаоллигини ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиради, халқаро майдонда мамлакатнинг обрўсига жиддий зиён етказди.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида:

1. 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикага озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим ҳўжалик юритувчи

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 январда эълон қилинган.

субъектларга индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар такдим этишни назарда тутувчи қарорларнинг қабул қилиниши тақиқлансин.

Белгилансинки, ушбу банд талаблари бузилган ҳолларда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, «Ўзбек-озиковқатхолдинг» ХК, Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси, Республика универсал агросаноат биржаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда:

2018 йилга озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчиларни излаб топиш ва жалб қилиш, улар учун бозорга киришда тенг шароитлар яратиш, уларга шартномалар тузиш, киритилган маҳсулотларни ташиш ва сақлашда кўмаклашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, аҳолининг сифатли, арзон озиқ-овқат товарларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантиришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқишни;

республиканинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари, озиқ-овқат товарларини қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналарни ташкил этишни таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб:

истеъмол товарларини республика товар-хом ашё биржаларида сотиш (сотиб олиш)га тақиқ бекор қилинади;

шакар ишлаб чиқарувчилар 2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар қисмига қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинади;

истеъмол товарларини товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдоларида сотиш (сотиб олиш) учун улгуржи савдони амалга оширишга лицензия мавжудлиги талаб этилмайди;

улгуржи савдога лицензия олишда энг кам иш ҳақининг 3500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда, шундан пул маблағлари энг кам иш ҳақининг 1200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилган устав фонди мавжудлиги ҳақидаги талаб бекор қилинади;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари турларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан импорт қилиш истисно ҳолларда ва фақат товар-хом ашё биржалари, жумладан хорижий биржаларнинг очиқ электрон савдолари тизими орқали амалга оширилади;

озик-овқат маҳсулотларининг режалаштирилаётган хариди, Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги батафсил ахборот ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилиб борилади;

биржа брокерлари тижорат банкларига мижоз — норезидент номидан товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)га талабнома бериш, норезидент — юридик шахслар эса Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳисоб рақамлари очиш ва товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)ни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш тартибини чайқовчилик ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолларига имкон бермайдиган чораларни назарда тутган ҳолда белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳаси;

бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аграр комплексни ривожлантириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, озиқ-овқат бозори барқарорлигига таҳдидларни ўз вақтида бартараф этиш, озиқ-овқат товарлари импортини қулай божхона-тариф тартибга солиш бўйича чораларни белгиловчи «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда товар-хом ашё биржалари томонидан фойдаланилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ахборотдан эркин фойдаланиш ва унинг очиклиги, жумладан маълумотларни чет тилларда (рус, инглиз тиллари) жойлаштириш, амалга оширилаётган операцияларнинг шаффофлигини, шунингдек, ўтказиладиган электрон савдоларга аралashiш ва уларнинг натижаларини бузиб кўрсатиш имкониятини истисно этишни назарда тутган ҳолда тубдан такомиллаштиришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда озиқ-овқат товарларига божхона тўловлари ставкалари, божхона тартиб-таомиллари ва республика божхона чегараси орқали товарларни ташиш тизимининг танқидий ўргани-

лишини ҳамда божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш, ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, жумладан тартиб-таомилларни «ягона дарча» тамойили асосида расмийлаштиришга ўтиш орқали товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиб-таомилларини максимал соддалаштириш ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш харажатларини қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда чакана савдо ва хизматлар кўрсатишни тартибга солувчи қонунчиликни ортиқча тўсиқ ва ғовлар, давлат томонидан тартибга солишнинг асосиз чораларини бартараф этиш нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилсин, шунингдек, натижалари бўйича мазкур соҳани тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

озиқ-овқат товарлари нархини пасайтириш ва барқарорлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги сансалорлик ва бюрократияни бартараф этиш, шунингдек, республикада ишчанлик муҳитини яхшилаш бўйича асослангандирган таклифлар киритиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, жумладан аҳамиятга молик озиқ-овқат товарларини экспорт ва импорт қилувчилар, чет эллик инвесторлар ва хорижий ҳамкорлар билан доимий асосда мунтазам очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотларни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идораларнинг ахборот маълумотлар базаларидан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари божхона тартиб-таомилларини амалга оширишда сунъий тўсиқлар яратиш, сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйганлик учун шахсий жавобгарлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

9. 2019 йил 1 январга қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёларнинг айрим турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 257-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатла-

рига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 январь,
ПФ-5303-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 16 январдаги
ПФ-5303-сон Фармониغا
ИЛОВА

**2019 йил 1 январга қадар муддатга божхона тўловлари
тўлашдан озод қилинадиган (божхона расмийлаштируви
учун йиғимлар бундан мустасно) озиқ-овқат маҳсулотлари ва
хом ашёларнинг айрим турлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарнинг номланиши	ТИФ ТН бўйича коди
1.	Тирик йирик қорамол	0102
2.	Тирик қўй ва эчкилар	0104
3.	Йирик қорамол гўшти, барра ёки совутилган	0201
4.	Барра, совутилган (музлатилганидан ташқари) қўй ёки эчки гўшти	0204
5.	Соя ловияси, майдаланган ёки майдаланмаган	1201
6.	Кунгабоқар уруғи, майдаланган ёки майдаланмаган	1206 00
7.	Кунжут уруғи	1207 40
8.	Шакарқамиш ёки лавлаги шакари ва кимёвий тоза сахароза, қаттиқ ҳолатда	1701

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**45 Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатда валюта сиёсатини либераллаштириш, реал бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда нархни шакллантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5303-сон Фармонига мувофиқ мамлакатга озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларнинг бекор қилиниши носоғлом рақобат, айрим маҳсулот турлари импортининг монополлаштирилиши, нархнинг сунъий оширилиши, оқибатда, бу асосда асоссиз фойда кўришга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш борасида муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, баъзи тизимли муаммоларнинг мавжудлиги кўзланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, айрим маҳсулот ва хом ашё турлари тақчиллигининг юзага келишига, улар нархнинг спекулятив ўсишига ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайишига олиб келмоқда. Хусусан:

биринчидан, айрим маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли эмаслиги зарур захирани шакллантиришни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаяпти, бу эса спекулятив операцияларга, охир-оқибатда, талаб юқори маҳсулот ва хом ашёлар нархининг ўсишига олиб келмоқда;

иккинчидан, юқори ликвидли маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишдаги камчиликлар турли хил суиистеъмолчиликлар учун шарт-шароит яратмоқда;

учинчидан, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш фаолиятини лицензиялашнинг мураккаб тартиб-таомиллари қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мазкур соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ва хом ашё ре-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 январда эълон қилинган.

сурслари турларини импорт қилишда божхона божлари ставкасининг юқорилиги улар тақчиллигининг юзага келишига ва нархларнинг асоссиз ўсишига шарт-шароит яратмоқда;

бешинчидан, энергия самарадор технологияларни жорий қилган корхоналар учун рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш муддатларининг чўзилиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтирмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот, хом ашё ва материаллар турлари билан барқарор таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъ-молчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайитириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3386-сон қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб монополист корхоналар томонидан 27 номдаги юқори ликвидли маҳсулотларни фақат биржа савдоси орқали бозор тамойиллари асосида сотиш тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар биржа савдоларида реализация қилинади:

экстракцион бензин, мис катоди, мис катанкаси, иккиламчи алюминий, металл рух, чорва озуқаси учун буғдой — фақат туман (шаҳар) ҳокимликлари хулосасига мувофиқ уларни кейинчалик қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналарга;

техник чигит — фақат мазкур қарорнинг 1-илоvasида кўрсатилган ва ушбу уруғликни ишлаб чиқариш жойида жойлашган «Ўзпахтаёғ» АЖнинг ёғ-мой корхоналарига;

б) қуйидагилар, истисно тариқасида, белгиланган нархлар асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади:

автомобиль бензини — бюджет ташкилотлари ва автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчаларига;

дизель ёқилғиси — бюджет ташкилотлари, давлат буюртмаси бўйича пахта хом ашёси ва ғалла етиштириб берувчи фермер хўжаликлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ, маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш бўйича давлат корхоналарига;

кўмир — бюджет ташкилотлари, аҳоли ва «Ўзбекэнерго» АЖ корхоналарига;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мўлжалланган пахта ёғи — 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги чакана устамани ўз ичига олган белгиланган нарх бўйича кейинчалик тақсимлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган улгуржи ва чакана корхоналарга, давлат стратегик захирасини шакллантириш учун — белгиланган нарх бўйича Ўзбекис-

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига;

в) пахта толаси уни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдолари орқали, «Давлат белгиси» ДИЧБ, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва Ўзбекистон кўрлар жамияти корхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасаларига технологик эҳтиёж ва мавжуд ишлаб чиқариш қуввати доирасида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади;

г) пахта чигити шелухаси ва шроти амалдаги биржа устамалари ва ҳажмларни тақсимлаш тартиби сақланган ҳолда биржа савдоларида реализация қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда юқори ликвидли маҳсулот турларини реализация қилиш бўйича товар-хом ашё биржалари фаолиятининг ўрганилишини, нархлар асоссиз ўсишига йўл қўймаслик, иштирокчиларнинг биржа савдоларида эркин қатнашишини таъминлаш, биржа савдоларининг электрон тизимларидан рухсатсиз фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тайёрлашни ташкил этсин.

4. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси тугатилиб, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш ваколати Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни олиш буюртмаларини кўриб чиқиш муддати 20 кунгача қисқартирилади;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда мурожаат қилувчининг устав фондига қўйилган талаб буюртма тақдим этилган вақтда қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорини ташкил этади;

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун қон ажратмаларини бериш ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ишчи лойиҳа тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун давомида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бир ой муддатда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар беришнинг янгиланган тартиби ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

5. Маҳаллий корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хиз-

мат)ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш тартиби бекор қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Бош прокуратура, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда норуда фойдали қазилмалар конларидан фойдаланилишини танқидий ўргансин ҳамда қуйидагиларни ҳам назарда тутган ҳолда уларни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритсин:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва муқобил энергия манбаларини жорий этиш орқали, шу жумладан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг энергия сифimini камайтириш йўли билан харажатларни оптималлаштириш;

муқобил қум-шағал конларини тез суръатларда қазиб ва ўзлаштириш;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари ҳақида тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилиш.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сон қарори иловасининг 1-бандида кўрсатилган табиий газ истеъмолчи ташкилотларга нисбатан табиий газни реализация қилишда нарх белгилашнинг алоҳида тартиби татбиқ этилмайдиган истеъмолчилар учун белгиланган амалдаги тарифга нисбатан 1,6 коэффицент қўлланилган ҳолда тўлаш тартиби 2018 йил 1 апрелга қадар амалда бўлади.

«Ўздавэнергоназорат» ва «Ўздавнефтгазинспекция» давлат инспекциялари, «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 15 февралга қадар муддатда корхоналарга улар томонидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартибининг ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминласин.

8. «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2-иловага мувофиқ қурилиш материаллари асосий турларини ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. 2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт қилишда божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёз бериладиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) маҳсулот, хом ашё ва материаллар турларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда талаб юқори бўлган, биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш дастурини тасдиқласин.

10. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга ёғоч-тахта материаллари ва

том ёпиш учун темир листларнинг энг яхшиларини танлаб олиш натижалари бўйича тендер савдоларини ўтказмасдан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида экспертизадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқарувчилардан мустақил сотиб олиш ҳуқуқи берилсин.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) ва янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш доирасида уларни бош пудрат ташкилотларига реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ томонидан ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни бош пудрат ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиш рентабеллиги 5 фоиздан ошмаган нархда амалга оширилади;

«Ўзсаноатэкспорт» АЖГа ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда берилган божхона тўловларини ва уларни «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш тарзидаги имтиёзлар ушбу қарор қабул қилинган кунга қадар имзоланган импорт контрактларига нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ билан биргаликда ўн кун муддатда ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листлар импортини молиялаштириш манбалари ва механизмлари бўйича таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида ҳисобга олиш ва ҳисобот жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, реал вақт режимида «қурилиш материалларини қазиб олиш — ташиш — сақлаш — қайта ишлаш — ишлаб чиқариш — реализация қилиш» занжири бўйича жараёни кузатиб бориш имконини берувчи Идоралараро ҳамкорликнинг ягона интеграциялашган ахборот тизими жорий этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

касининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 январь,
ПҚ-3479-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 17 январдаги
ПҚ-3479-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Техник чигитни қайта ишлашни амалга оширувчи
ёғ-мой қорхоналари
РЎЙХАТИ**

Қорақалпоғистон Республикаси

1. «Ёғгар» АЖ
2. «Турон-Хўжейли» АЖ

Андижон вилояти

3. «Андижон ёғ-мой» АЖ
4. «Асака ёғ» АЖ

Бухоро вилояти

5. «Когон ёғ экстракция» АЖ
6. «Евроснар» МЧЖ ҚК

Жиззах вилояти

7. «Бўстон олами» МЧЖ
8. «Нурли дон» МЧЖ

Қашқадарё вилояти

9. «Косон ёғ экстракция» АЖ
10. «Қарши ёғ экстракция» АЖ

Навоий вилояти

11. «Вангози агроэкспорт» МЧЖ
12. «Континент-Н ёғ-мой» МЧЖ

Наманган вилояти

13. «Учқўрғон ёғ» АЖ
14. «Наманган тола текстиль» МЧЖ

Самарқанд вилояти

15. «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ

Сурхондарё вилояти

16. «Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ
17. «Агрохизмат Шиндонг» МЧЖ ҚК

Сирдарё вилояти

18. «Гулистон экстракт ёғ» АЖ

Тошкент вилояти

19. «Янгийўл ёғ-мой» АЖ

Фарғона вилояти

20. «Фарғона ёғ-мой» АЖ

21. «Кўқон ёғ-мой» АЖ

Хоразм вилояти

22. «Урганч ёғ» АЖ

Тошкент шаҳри

23. «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ

**Қурилиш материалларининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича 2018 йилда
ишга тушириладиган қувватлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳалар номи	Маҳсулот тури	Лойиҳа қуввати	Ишга тушириш муддати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. АҚШ долл.)
	ЖАМИ (11 та лойиҳа):				374,10
I.	Богловчи материаллар ва тўлдиргичларни ишлаб чиқариш (5 та лойиҳа)				320,70
1.	«Олмалиқ КМК» АЖда цемент, шу жумладан юқори маркали ва махсус турдаги цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш	цемент	1 500 минг тн	сентябрь	212,80
2.	Сурхондарё вилоятида «Сурхонцементинвест» МЧЖ ХКда цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш	цемент	360 минг тн	сентябрь	47,60
3.	Наманган вилоятида «Жаҳон Евро Сервис» МЧЖда цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш	цемент	150 минг тн	декабрь	9,50
4.	Андижон вилоятида «Илғор йигирувчи» МЧЖда цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш	цемент	150 минг тн	июнь	13,00
5.	Қорақалпоғистон Республикасида «TITAN CEMENT» МЧЖ ҚҚда цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш	цемент	200 минг тн	май	37,80
II.	Пардозлаш материалларини чиқариш (1 та лойиҳа)				28,90
6.	Жиззах вилоятида «Жиззах» ЭИЗ худудида маҳаллий хом ашё негизида «MINGYUAN SILU INDUSTRY» МЧЖ ҚҚда (1-босқич) нақшли ойна ишлаб чиқаришни ташкил этиш	нақшли ойна	4 млн. кв. м	февраль	28,90
III.	Деворбоп ва иссиқлик ўтказмайдиган материалларни чиқариш (2 та лойиҳа)				4,70
7.	Бухоро вилоятида «Ханаду гранд плюс» МЧЖда газ-бетон блоклари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	газ-бетон	100 минг куб. м	май	1,10
8.	Хоразм вилоятида «Питнак панель» МЧЖда сандвич-панеллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	сэндвич-панеллар	150 минг п. м	апрель	3,60

Т/р	Лойиҳалар номи	Маҳсулот тури	Лойиҳа куввати	Ишга тушириш муддати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. АҚШ долл.)
IV.	Қурилиш материалларининг махсус турларини чиқариш (1 та лойиҳа)				15,00
9.	Тошкент вилоятида «Ангрен» ЭИЗ ҳудудида «Run Tong Metal Industrial» МЧЖ ХКда («LI DA Metal Technology» МЧЖ ХКда) энергия тежовчи технологиялар бўйича қурилиш арматуралари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Қурилиш металл арматураси	180 минг. тн	ноябрь	15,00
V.	Ёғоч-қипиқ плиталар (ЁҚП) ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2 та лойиҳа)				4,80
10-11.	Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ҳар йили қайта тикланадиган ўсимлик хом ашёси (пахта пояси, қамиш ва бошқа ўсимликлар) негизда ёғоч-қипиқ плиталар ва ламинацияланган ёғоч-қипиқ плиталар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	ЁҚП	30 минг куб. м дан	декабрь	4,80

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 17 январдаги
ПҚ-3479-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт қилишда
божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёз бериладиган
(божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно)
маҳсулот, хом ашё ва материаллар турларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди
1.	Цемент, шу жумладан цемент клинкери	2523
2.	Асбест	2524
3.	Қурилиш ойнаси	7003, 7004, 7005
4.	Қора металллар прокати	7208, 7209, 7209 16 900 0, 7210, 7211, 7211 19 000 0, 7211 23 300 0, 7211 29 000 0, 7212, 7212 30 000 0, 7212 40 800 0, 7219, 7220, 7225, 7226
5.	Ёғоч-тахта ва ёғоч-тахта материаллари	4403, 4404, 4406, 4407
6.	Кўмир	2701, 2702

Изоҳ: ушбу маҳсулот ва хом ашё турлари фақат биржа савдолари орқали реализация қилинади, қуйидаги четдан олиб кириладиганлар бундан мустасно:

ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листлар — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ томонидан;

цемент клинкери — уларни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга ва тайёр цементни биржа савдоларида реализация қиладиган корхоналар томонидан;

асбест — уларни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга корхоналар томонидан.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

46 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 704-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 991-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 январь,
26-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 январда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 15 январдаги 26-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 6-бандда:

«б» кичик банддаги «500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган ёки унга эквивалент» сўзлари «2 млрд сўм» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банддаги «1 миллион АҚШ долларидан» сўзлари «4 млрд сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 12-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Жамғарманинг бўш турган маблағларини Кенгаш томонидан белгиланган тартибда параметрлар доирасида тижорат банкларининг депозитларига ҳамда бошқа молиявий активларга жойлаштиради».

3. 13-банднинг олтинчи хатбошидаги «тақдим этиш» сўзларидан кейин «ҳамда депозитларни тижорат банкларида жойлаштириш» сўзлари қўшилсин.

4. 14-банддаги «бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда» сўзлари «Кенгаш томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 15, 34 ва 89-бандлардаги «Жамғарма Кенгаши» ва «Жамғарма Кенгашига» сўзлари тегишли равишда «Кенгаш» ва «Кенгашга» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 21-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Жамғарма фаолиятини моддий-техник таъминлаш, асосий воситалар ва номоддий активлар харид қилиш, Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда операция харажатларини, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатга ҳақ тўлашга тенглаштирилган тўловларни ҳамда рағбатлантирувчи тусдаги тўловларни тўлаш харажатларини амалга ошириш».

7. 22-банддаги «20» рақами «21» рақами билан алмаштирилсин.

8. 35-банднинг биринчи хатбошидаги «1 миллион АҚШ долларидан» сўзлари «4 млрд сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин, «эквивалентда» сўзи чиқариб ташлансин.

9. 41 ва 68-бандлардаги «3 (уч)» сўзлари «2 (икки)» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Қуйидаги мазмундаги 41¹-банд қўшилсин:

«41¹. Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларни кўриб чиқиш-

нинг тўғрилиги ва имтиёзли кредитлар ажратилиши, шунингдек имтиёзли кредитлар ажратиш ва улар бўйича компенсация олишнинг барча жараёни ушбу Низом талабларига мувофиқлиги юзасидан масъулият тижорат банкларининг раҳбарларига юкланади».

11. 42-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «3 (уч) иш куни» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. 43-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Банк кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация Кенгаш томонидан тасдиқланадиган тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларига ва ставкаларга мувофиқ берилади».

13. 44-бандга «Жамғарма» сўзидан кейин «1 (бир) иш куни мобайнида» сўзлари қўшилсин.

14. 45-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«45. Бош тижорат банки ижобий қарорни олгандан сўнг бу ҳақда дарҳол банк филиалига хабар беради. Шу билан бирга, бош банкдаги ваколатли шахс банк, Жамғарма ва кредит олувчи ўртасида компенсация тақдим этиш тўғрисида уч томонлама шартномани имзолайди ҳамда уни 1 (бир) иш куни мобайнида кичик тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакили имзолаши учун банк филиалига юборади».

15. 47-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«47. Жамғарма компенсация тақдим этишни рад этган тақдирда бош тижорат банки банк филиалини дарҳол бундан хабардор қилади. Банк филиали кредитлар бўйича компенсация бериш рад этилгани ҳақида хабарномани олгандан сўнг кичик тадбиркорлик субъектига кредит ажратиш рад этилгани хусусида маълум қилади.

Бунда банк филиали кичик тадбиркорлик субъектига умумий равишда белгиланган тартибда бозор шартларида кредит шартномаси тузишни тақлиф этади».

16. 49-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«49. Тижорат банклари белгиланган тартибда:

ушбу Низомга мувофиқ «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кўмагида берилган қисқа муддатли кредитлар» 12800 ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кўмагида берилган узоқ муддатли кредитлар» 14400 алоҳида баланс ҳисоб рақамларида муддатлар ва қарз олувчиларнинг турлари бўйича ажратилган кредитларнинг ҳисобини юритади;

Компенсациялар тақдим этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси субсидиялари ҳисобига қопланадиган ҳисобланган фоизларни олиш» 16325 алоҳида баланс ҳисоб рақамларида Жамғарма томонидан компенсация қилинадиган фоизлар ҳисобини юритади».

17. 50 ва 83-бандларнинг иккинчи хатбошидаги, 56-банддаги «5 (беш)» сўзлари «3 (уч)» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. 51-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«51. Жамғарма компенсацияси компенсация бериш тўғрисидаги шарт-

номага мувофиқ бир пайтнинг ўзида банк реестри асосида бир қанча кредит шартномалари бўйича банкнинг «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» 29801 транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Бунда «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» 29801 транзит ҳисоб рақамига тушган маблағлар банкнинг Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси субсидиялари ҳисобига қопланадиган, ҳисобланган фоизларни олиш» 16300 ҳисоб рақамига автоматик равишда ўтказилади».

19. 54, 55 ва 57-бандлардаги «52» рақами «53» рақами билан алмаштирилсин.

20. 61-банддаги «500 минг АҚШ долларида ошмайдиган ёки кафиллик олиш учун ариза тақдим этилган кундаги эквивалент миқдорида берилади» сўзлари «2 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда берилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. 63-бандда:

биринчи хатбошига «Мазкур Низомга мувофиқ» сўзларидан кейин «фақат» сўзи қўшилсин;

олтинчи хатбошидаги «65» рақами «66» рақами билан алмаштирилсин.

22. Рус тилидаги матнда: 65-банднинг биринчи хатбошидаги «Поручительства» сўзи «Поручительство» сўзи билан алмаштирилсин.

23. 69-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«69. Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма кафиллигини олиш учун бош тижорат банки томонидан юборилган ҳужжатлар тўпламини қабул қилгандан сўнг 5 (беш) иш куни мобайнида:

тақдим этилган ҳужжатларни текширади. Жамғарма, зарур бўлганда, 1 (бир) иш куни мобайнида бош банкдан етишмаётган ахборотни (ҳужжатларни) сўраб олади;

ушбу Низомнинг 68-бандида назарда тутилган умумлаштирилган маълумотларни ушбу Низом шартларига мувофиқлик юзасидан текширади;

кафолат олиш учун ариза маъқулланган тақдирда хулосани расмийлаштиради ва унга кичик тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотни илова қилади».

24. 70-банддаги «уч кун муддатда» сўзлари «2 (икки) иш куни мобайнида» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. 71-банддаги «беш кун муддатда» сўзлари «3 (уч) иш куни мобайнида» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. 79-банднинг биринчи хатбошидаги ва 81-банднинг олтинчи хатбошидаги «75» рақами «78» рақами билан алмаштирилсин.

27. 1-иловада:

«Муддатлар» устунининг «3-босқич» позициясидаги «3» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин;

«Муддатлар» устунининг «5-босқич» позициясидаги «5» рақами «3» рақами билан алмаштирилсин.

28. 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**47** **Банкни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун йиғим, шунингдек, банк рўйхатдан ўтказилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдорларини белгилаш тўғрисида***

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим миқдори ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури бўйича лицензияловчи органнинг ушбу аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин. Лицензия даъвогарларининг аризаларини кўриб чиққанлик учун йиғим суммалари лицензияловчи орган ҳисобварағига ўтказилади.

2. Қуйидагилар:

банкни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун йиғим энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида;

банк рўйхатдан ўтказилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун давлат божи банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, банк рўйхатдан ўтказилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун тўланган давлат божи маблағлари суммаси лицензияловчи органнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади ва уч кун муддатда тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 январь,
31-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

48 Биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 сентябрдаги ПҚ–3295-сон қарорига асосан, биржа ва кўргазма-ярмарка битимлари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг шаффоф, бозор механизмларини шакллантириш ҳамда мажбуриятларнинг бажарилиши кафолатларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Товар-хом ашё биржаларида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

биржа савдоларида муайян турдаги ва сифатдаги, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар (деривативлар), дастлабки кўздан кечиришни талаб этмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган белгиланган тартибда биржа савдоларига қўйиладиган товарлар сотилади;

товар-хом ашё биржалари томонидан ташкил этиладиган ва ўтказиладиган кўргазма-ярмарка савдоларида, биржа товарига қўйилган талабларга жавоб бермайдиган ҳамда сотиб олувчиларга, уларнинг намуналари ва моделларини, электрон каталогларини, реклама бюллетенларини, проспектларини ёки сотувга қўйиладиган товарни тавсифловчи бошқа ҳужжатларини олдиндан кўриб чиқиш имкониятини тақдим этишни талаб этадиган ҳар қандай товарлар сотилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 январда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси товар-хом ашё биржалари билан биргаликда биржа савдолари қоидаларининг ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 январь,
33-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 17 январдаги 33-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Товар-хом ашё биржаларида ҳисоб-китоб-клиринг
операцияларини ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 сентябрдаги ПҚ–3295-сон қарорига мувофиқ товар-хом ашё биржаларининг биржа савдоларида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

биржа савдолари — биржа томонидан биржа савдолари қоидаларига мувофиқ ташкил этиладиган биржа товари савдолари;

клиринг — биржа аъзолари ва уларнинг миждозларининг ўзаро мажбуриятларини белгилаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олишга доир операциялар мажмуаси, шунингдек, ушбу Қоидалар ва Биржа савдоси қоидаларига мувофиқ улар ўртасида амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоблар;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ХККП) — клиринг электрон тизими орқали биржа битимлари (кейинги ўринларда битим деб аталади) бўйича

клиринг, ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи биржанинг таркибий бўлинмаси;

клиринг иштирокчиси — акцепт йўллаган ва ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб-клиринг палатасида рўйхатдан ўтган биржа аъзоси ва/ёки унинг мижози;

клиринг электрон тизими — ушбу Қоидаларга мувофиқ клирингни амалга ошириш учун мўлжалланган дастурий-техник воситалар, маълумотлар базалари, телекоммуникация воситалари ҳамда ХҚКП дастурий таъминоти йиғиндиси;

клиринг (ҳисоб) регистрлари — битимлар тузиш ва битимлар бўйича мажбуриятларни бажаришга мўлжалланган пул маблағлари қолдиқлари тўғрисида маълумотларни ҳисобга олиш, шунингдек, клиринг иштирокчиларининг битимлар бўйича мажбуриятлари ва талаблари ҳисобини юритишда фойдаланиладиган ХҚКПнинг ички электрон ҳисоб регистрлари;

пул маблағларини блокировкалаш — битим бўйича харидорлар ва сотувчилар мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминловчи пул маблағлари ҳаракатини битим ёпилгунга қадар тўхтатиб қўйиш;

ХҚКП иккиламчи ҳисобварағи — биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ҳамда битимлар бўйича ҳисоб-китоблар ўтказиш учун очилган биржанинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит иккиламчи ҳисобварақлари;

фойдаланувчининг индивидуал рақами (кейинги ўринларда ФИР деб аталади) — клиринг иштирокчисига бериладиган махсус хос рақам;

клиринг иштирокчилари реестри (КИР) — ушбу Қоидаларга мувофиқ ХҚКПда рўйхатга олинган клиринг иштирокчилари рўйхати;

тузилган битимлар реестри (ТБР) — имзоланган ва рўйхатга олинган битимлар рўйхати;

тўловлар амалга оширилган битимлар (ТАОБ) — биржа товарини юклаш учун сотувчига асос бўладиган ва тузилган битим бўйича қарздорликни тўлиқ қоплайдиган миқдорда сотиб олувчининг ХҚКПдаги ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушган битимлар рўйхати;

етказиб бериш ҳужжатлари реестри (ЕБХР) — юклаш санаси ва юкланган биржа товари миқдори кўрсатилган ҳолда юклаш амалга оширилган битимлар рўйхати;

закалат — клиринг иштирокчилари амалга оширадиган битимлар бажарилишини кафолатлаш учун улар томонидан ХҚКПга киритиладиган кафолат таъминоти маблағлари;

контрагент — битим бўйича мажбурият олган ва битимнинг бошқа томонига қарши қўйиладиган тараф — харидор сотувчи учун ва сотувчи харидор учун.

2-боб. ХҚКПнинг мақоми, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3. ХҚКП биржанинг таркибий бўлинмаси бўлиб, юридик шахс мақоми-

га эга эмас ҳамда биржа номидан ушбу Қоидаларда назарда тутилмаган ҳар қандай мустақил операция ва ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқисиз иш олиб боради.

4. ҲККП қўйидаги асосий функцияларни бажаради:

клиринг иштирокчиларини рўйхатга олади;

клиринг иштирокчиларига ҳисобварақлар очилиши ва юритилишини таъминлайди;

битимлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлайди;

ўзаро мажбуриятларни белгилайди, аниқлаштиради ва ҳисобга олади, шунингдек, клиринг иштирокчиларининг тузилган битимлар бўйича мажбуриятлари ҳисобини алоҳида-алоҳида юритади;

клиринг яқунларига кўра зарур ахборотни шакллантиради ва клиринг иштирокчиларига тақдим этади;

клиринг амалга ошириладиган битимлар, клиринг натижалари тўғрисидаги ахборотнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ сақланишини таъминлайди;

тузилган битимлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

кафолат бадалларининг киримини таъминлайди.

5. ҲККП қўйидаги ҳуқуқларга эга:

клиринг ўтказиш усулини мустақил танлаш;

сотувчи-норезидентнинг топшириғига кўра сотувчи-норезидентнинг импорт контрактлар бўйича ҲККПдаги ҳисобварағига фақат биржа савдоларида тузилган импорт контрактлар, божхона тўловлари, суд харажатлари ва бевосита биржа контрактларини тузиш билан боғлиқ хизматлар ҳақини тўлаш учун ўтказилган маблағларни (воситачилик йиғимлари, брокерлик мукофотлари, транспортда ташиш ва қонунчиликка мувофиқ бошқа харажатларни) йўналтириш;

клиринг иштирокчиси битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, шунингдек, биржанинг арбитраж ва/ёки интизом комиссияларининг клиринг иштирокчисига, белгиланган биржа савдоси қоидалари ёки шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жарима қўллаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлганда, айбдор клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобварағидан жарима суммасини акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш;

биржа савдолари электрон тизимида битимлар қайд этилиши билан воситачилик йиғимларини ҳисобдан чиқариш, шунингдек, брокерлар учун мукофот пулларини олиш;

клиринг иштирокчиларидан ҳисоб-китоб-клиринг операциялари учун зарур ахборот олиш.

6. ҲККП қўйидагиларга мажбур:

фақат биржада рўйхатга олинган битимлар ва улар билан боғлиқ операциялар (воситачилик йиғимлари, брокерлар мукофотлари, транспортда та-

шиш ва қонунчиликка мувофиқ бошқа харажатлар) бўйича ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

хар бир клиринг иштирокчиси мажбуриятларининг ҳисоби алоҳида-алоҳида юритилишини таъминлаш;

битим мазмуни тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигини таъминлаш ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, ушбу ахборотни клиринг иштирокчиларининг розилигисиз учинчи шахсларга тақдим этмаслик.

7. Клиринг ва ҲККП иштирокчиларига ҲККП ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланган ҳолда, пулли талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш бўйича операцияларни ўтказиш тақиқланади.

3-боб. Клиринг иштирокчиларини рўйхатга олиш

8. Клиринг иштирокчиси сифатида юридик шахс бўлган биржа аъзолари ва/ёки уларнинг мижозлари, шу жумладан, хорижий (қонунчиликда белгиланган тартибда), шунингдек, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида юридик шахс ташкил этмасдан (биржа савдоларида харидорлар сифатида) рўйхатга олинган жисмоний шахслар рўйхатдан ўтиши мумкин.

9. ҲККП биржа савдолари қоидаларида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни олганидан кейин бир иш куни давомида биржа аъзоси ва/ёки унинг мижозига ФШР беради ҳамда амалга ошириладиган битимлар бўйича мажбуриятларни ва талаб ҳуқуқини ҳисобга олиш учун зарур бўлган тегишли шахсий ҳисобварақни очади.

10. КИР клиринг иштирокчисининг батафсил реквизитларини, раҳбар ва унинг лавозими тўғрисидаги ахборотни, клиринг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиш санасини ўз ичига олади.

11. ҲККП ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолатларда клиринг иштирокчисига хизмат кўрсатишни тўхтатади.

4-боб. ҲККПда ҳисобварақларни юритиш тартиби

12. Биржа хизмат кўрсатувчи банкда клиринг иштирокчиларининг пул маблағлари ҳисоби учун мўлжалланган ҲККП иккиламчи ҳисобварағини очади, уларнинг ҳисоби ҲККПда алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

13. ҲККП клиринг иштирокчиларининг ҳисобварақлари ҳисобини юритади.

14. Агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланган бўлса, клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобварағини ёпиш ҲККП томонидан ҳисобварақ эгаси (ёки унинг ҳуқуқий вориси) топшириғи бўйича амалга оширилади.

15. Шахсий ҳисобварақни ёпишдан олдин ундаги қолдиқ пул маблағлари хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобварақ эгасининг ҳисоб рақамларига ёки унинг топшириғига кўра ЛОРО-ҳисобрақамига қонунчиликка мувофиқ ўтказилади.

16. Шахсий ҳисобварақни ёпиш фақат ҳисобварақда қолдиқ пул маблағлари бўлмаганда амалга оширилади.

17. Ҳисобварақ реквизитларини ўзгартириш клиринг иштирокчисининг номи ёки бошқа реквизитларидаги ўзгаришларга мувофиқ амалга оширилади.

18. Ҳисобварақ эгаси ҲККПда қуйидагилар бўйича кўрсатмалар беришга ҳақли:

пул маблағларини (пул маблағларининг бир қисмини) шахсий ҳисобварақдан хизмат кўрсатувчи банкдаги ўзининг ҳисобварағига қайтариш;
агар битим биржа савдолари қоидалари ва қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган бўлса, битим бўйича клиринг ўтказиш.

19. ҲККП тузилган битимлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш йўли билан клиринг иштирокчиларининг шахсий ҳисобварақлари билан операцияларни олиб боради.

20. Томонларнинг ва битим иштирокчиларининг ўзаро мажбуриятлари ҳисоб-китоби ЮХРга асосан амалга оширилади.

21. ҲККП фақат битимлар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ операциялар бўйича шахсий ҳисобварақлар орқали пул маблағлари ўтказмаларини амалга ошириши мумкин.

22. ҲККП клиринг иштирокчиларининг пул маблағларини, уларнинг топшириқларига асосан, уларнинг шахсий ҳисобварақларидан хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобрақамларига ўтказиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Клиринг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

23. Клиринг иштирокчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

биржа томонидан рўйхатга олинган битимлар бўйича клирингда иштирок этиш;

шахсий ҳисобварақнинг ҳолати, мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида зарур ахборотни олиш;

биржа ва контрагентлар олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек, контрагент розилиги билан биржа товарини етказиб бериш бўйича мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш;

ўз шахсий ҳисобварағидаги бўш пул маблағларини ўзининг хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб рақамига чиқариш.

24. Клиринг иштирокчиси — биржа аъзоси мижозининг мажбуриятлари: ҲККПга ушбу Қоидаларга мувофиқ ишончли ахборот бериш;

шартнома бекор қилинган тақдирда, шартнома бекор бўлгунга қадар юзага келган мажбуриятларни бажариш;

ахборот махфийлиги тартибига риоя қилиш;

ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилиш.

25. Клиринг иштирокчиси — биржа аъзосининг мажбуриятлари:

мижоз билан шартнома тузганда, уни биржа савдолари қоидалари ҳамда клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари билан таништириш;

ўз ҳисобидан ва мижоз ҳисобидан амалга оширилган битимлар ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш;

ўз мижозларига биржадан олинган уларга тааллуқли бўлган ҳар қандай ахборот ҳақида маълум қилиш;

ўз мижозларини, уларнинг манфаатларида тузилган битимларнинг ба-жарилмай қолишига олиб келувчи ёки олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг юзага келганлиги тўғрисида кечиктирмай хабардор қилиш;

ўз мижозларини клирингга тааллуқли ҳар қандай фактлар ҳақида кечиктирмай огоҳлантириш;

мижозларини, ушбу Қоидалар ва биржа савдолари қоидаларига киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

ўз фаолияти доирасида, жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ҳақидаги қонунчиликка амал қилинишини таъминлаш.

Биржа аъзолари қонун ҳужжатларига ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6-боб. ҲҚКПнинг клиринг иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлиги

26. ҲҚКПнинг клиринг иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлиги клиринг хизмати кўрсатиш шартномаси асосида амалга оширилади.

27. Биржа аъзоси ва унинг мижози ўртасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган топшириқ (воситачилик) шартномаси билан тартибга солинади.

28. ҲҚКПнинг биржа аъзоларининг мижозлари билан ўзаро ҳамкорлиги уларга хизмат кўрсатувчи биржа аъзолари орқали амалга оширилади. Биржа аъзолари, агар топшириқ шартномасида кўрсатилган бўлса, ўз мижозларининг вакиллари ҳисобланадилар.

ҲҚКПга топшириқлар клиринг иштирокчилари томонидан электрон ракамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳам берилиши мумкин.

29. Биржа ва клиринг иштирокчилари ўртасидаги, клиринг ва ҳисоб-китоб бўйича, шунингдек, клиринг иштирокчиларининг шартномавий мажбуриятлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

7-боб. Клирингни ўтказиш тартиби

30. Клиринг иштирокчилари рўйхатдан ўтганларидан кейин, ҲҚКПнинг биржага хизмат кўрсатувчи банкда очилган иккиламчи ҳисобрақамига биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда ўз мажбуриятларини бажариш учун пул маблағларини ўтказадилар.

31. Клиринг иштирокчиси закатат сифатида ва/ёки битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун пул маблағларини биржага хизмат кўрса-

тувчи банкдаги ХҚКП нинг иккиламчи ҳисоб рақамига уларни иштирокчининг шахсий ҳисобварақига кирим қилиш учун ўтказадилар. Закалат миқдори биржа савдоси қоидаларида белгиланади.

32. ХҚКП ҳар бир клиринг иштирокчисининг пул маблағлари ва мажбуриятларини уларнинг шахсий ҳисобварақларида алоҳида ҳисобга олади.

33. Клиринг иштирокчиларининг ХҚКПдаги шахсий ҳисобварақларидаги маблағлари қўйидаги мақсадларда ишлатилади:

битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб учун;

савдо сессияларида иштирок этиш учун закалат сифатида;

мижознинг топшириғига кўра — клиринг иштирокчисининг маблағларини унга хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб рақамига қайтариш учун;

биржа хизматларига ҳақ тўлаш, брокерлик мукофотлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун;

конун ҳужжатларига мувофиқ тузилган экспорт (импорт) битимлари ижроси билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш учун;

битимларнинг тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ бошқа ҳолатларда.

Битимлар бўйича ҳисоб-китоблар фақат клиринг электрон тизими орқали амалга оширилади.

34. Электрон клиринг тизими ҳар бир савдо сессиясидан олдин буюртмаларнинг таъминланганлиги бўйича назоратни амалга оширади. Буюртмаларнинг таъминланганлигини назорат қилиш савдо сессиялари доирасида тузиладиган битимларга буюртмалар бўйича амалга оширилади.

35. Клиринг электрон тизими ТБРга асосан клиринг иштирокчиларининг мажбуриятларини белгилайди ва закалатларга тақиқ қўяди. Биржанинг воситачилик йиғимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тарифларга асосан ушлаб қолинади.

36. Битим рўйхатга олингандан сўнг харидор шартномада белгиланган муддатларда битим бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун ХҚКП нинг биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги иккиламчи ҳисобрақамига кўшимча маблағлар ўтказиши шарт. Ушбу суммага ХҚКП томонидан мажбуриятларнинг сотувчи томонидан тўлиқ бажарилишигача тақиқ қўйилади.

37. ТАОБ сотувчига биржа товарини етказиб бериши учун асос бўлади.

38. Биржа товарини етказиб бериш натижаларига кўра клиринг иштирокчиси — сотувчи томонидан ХҚКПга биржа товари етказиб берилган пайтдан эътиборан уч иш куни давомида, аммо тузилган битим шартларида белгиланган охириги етказиш кунидан кейинги кундан кечиктирмай етказиб бериш ҳақида ахборот берилади. Ушбу битим бўйича сотувчи ва харидорларнинг пул маблағлари, клиринг электрон тизими томонидан, ЮХР ўтказилгангунга қадар тақиқда қолади.

39. Клиринг иштирокчиси — сотувчи томонидан тақдим этилган юклаш тўғрисидаги ахборотда битим рақами, биржа товари ҳажми, етказиб берилган биржа товарининг умумий суммаси, юкланган сана, ҳисобварақ-факту-

ра рақами ва у биржа товарини етказиб берганини тасдиқловчи бошқа ахборот бўлиши керак.

40. ЮХР тақдим қилинган кундан кейин бир иш кунидан кечиктирмай, клиринг электрон тизими, харидорнинг биржа товарини етказиб берилиши бўйича эътирози бўлмаган тақдирда, сотувчи томонидан бажарилган мажбуриятлар миқдоридаги пул маблағларини харидор шахсий ҳисобварағидан сотувчининг шахсий ҳисобварағига кейинчалик унинг хизмат кўрсатувчи банкидаги ҳисобварағига кўчириш орқали ўтказиши ҳамда битимни ушбу Қоидалар ва биржа савдоси қоидалари шартларига мувофиқ ёпади.

8-боб. Тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш тартиби

41. Тузилган битимларни ёпиш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади: клиринг иштирокчилари — сотувчи ва харидор томонидан битим бўйича мажбуриятлар лозим даражада бажарилганда;

клиринг иштирокчиси — сотувчи ва харидор томонидан битим бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ва улар томонидан жарима тўлангандан сўнг;

клиринг иштирокчилари — сотувчи ва харидор жарима тўлаб/тўламасдан битимни ёпишга ўзаро рози бўлганда;

арбитраж комиссиясининг қарорига кўра;

клиринг иштирокчилари — сотувчи ва харидорнинг шартномада кўрсатилган муддат давомида эътирозлари бўлмаганда, жарималарсиз.

42. Агар шартнома шартларида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин клиринг иштирокчиси битим бўйича мажбуриятларни бажармаса, ХҚКП:

шартномани харидор томонидан тўланмаганлиги учун бекор қилади;

шартномани Арбитраж комиссиясининг қарорига кўра биржа товари етказиб берилмаганлиги ёки танлаб олинмаганлиги учун бекор қилади;

клиринг иштирокчиси — сотувчи ёки харидорнинг ҳисоб рақамига, шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун закат миқдоридаги жаримани ўтказиши.

43. Биржа аъзоларининг биржа битимлари бўйича пул маблағлари етарли бўлмаганда, мажбуриятларнинг бажарилиши Тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фонди маблағлари ҳисобидан таъминланиши мумкин, бу таъминот Биржа савдоси қоидаларида белгиланган тартибда пулли ва қайтариш асосида берилади.

9-боб. Клиринг хизмати кўрсатишни тўхтатиш

44. Қўйидаги ҳолатларда ХҚКП клиринг иштирокчисига клиринг хизмати кўрсатишни тўхтатади ва унинг шахсий ҳисобварағини ёпади:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома бекор қилинганда; клиринг иштирокчиси тугатилганда;

суд ва бошқа ваколатли органларнинг қарорига кўра;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

10-боб. Низоларни ҳал этиш тартиби

45. Ушбу Қоидаларни биржа ва клиринг иштирокчилари ўртасида, шунингдек, клиринг иштирокчилари ўртасида қўллаш жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар биржанинг Арбитраж комиссиясида ёки судда эътироз тартибида кўриб чиқиш йўли билан ҳал этилади.

11-боб. Яқунловчи қоида

46. Ушбу Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 17 январдаги 33-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 19-модда):

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидан «(ишлар, хизматлар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилансинки:

биржа товари белгиланган тартибда биржа савдоларига қўйилган муайян тур ва сифатдаги товар, шу жумладан, дастлабки кўриқдан ўтказишни талаб қилмайдиган, сифат кўрсаткичларининг ўзгармаслиги ва биржа битимлари тузилишининг доимийлиги билан тавсифланадиган ҳосила молиявий воситалар (деривативлар)дир;

кўргазма-ярмарка савдоларида биржа товарига қўйилган талабларга жавоб бермайдиган ҳамда харидорларга уларнинг намуналари ва моделларини, электрон каталогларини, проспектларини, реклама бюллетенларини ёки тавсифловчи бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиш имкони берилишини талаб қиладиган ҳар қандай товарлар сотилиши мумкин»;

в) 2-иловада:

илованинг номидан «(ишлар, хизматлар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддан «, ишлар, хизматлар (кейинги ўринларда — товар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Биржада битимлар:

биржа савдоларида биржа товарлари билан;

кўргазма-ярмарка савдоларида биржа товарига қўйилган талабларга жавоб

бермайдиган ҳамда харидорларга уларнинг намуналари ва моделларини, электрон каталогларини, проспектларини, реклама бюллетенларини ёки тавсифловчи бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиш имкони берилишини талаб қиладиган ҳар қандай товарлар билан тузилиши мумкин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 50-модда):

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки:

товар-хом ашё биржаларида биржа, аукцион, кўргазма-ярмарка савдолари: муайян турдаги ва сифатдаги товарлар, шу жумладан, белгиланган тартибда биржа савдоларига қўйилган ҳосила молиявий воситалар (деривативлар) электрон биржа савдолари натижалари бўйича биржа битимлари;

товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарлар аукцион савдолари (шу жумладан, давлат харидларини ташкил этиш бўйича электрон савдолар) натижалари бўйича аукцион битимлари;

биржа товарига қўйилган талабларга жавоб бермайдиган ҳамда харидорларга уларнинг намуналари ва моделларини, электрон каталогларини, проспектларини, реклама бюллетенларини ёки бошқа тавсифловчи ҳужжатларини кўриб чиқиш имкони берилишини талаб қиладиган ҳар қандай товар билан кўргазма-ярмарка битимлари тузиш воситасида ташкил этилиши мумкин»;

б) 3-банд иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«биржа савдоларининг иштирокчилари фақат биржа аъзолари — биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар ҳисобланади. Биржа аъзолари биржа савдоларида улар номидан биржа битимларини тузиш ваколати берилган ўз ходимлари орқали иштирок этадилар»;

в) 4-банднинг иккинчи хатбошида «брокерлик ўринлари» сўзлари «биржа аъзоси мақоми» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«биржа товарлари котировкалари доимий равишда (бир ҳафтада камида бир марта) биржанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисидаги низом 10-бандининг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 11-бандининг иккинчи хатбошидаги, 13-бандининг бешинчи хатбошидаги, 17-бандининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги, 21-бандининг иккинчи хатбошидаги, 31-бандидаги «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

49 Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-16

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юретишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 11 июлдаги ПК-3127-сон «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 30 мартдаги 64-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2090, 2010 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 13-сон, 99-модда) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 январда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 январь,
26-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги
26-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 31-банднинг ўн учинчи хатбошисидаги, 53²-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 54-банддаги, 56-банднинг биринчи хатбошисидаги, 74-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 77-банднинг учинчи хатбошисидаги, 78-банднинг учинчи хатбошисидаги, 80-банднинг еттинчи хатбошисидаги, 95-банднинг ўн тўртинчи хатбошисидаги, 125-банднинг учинчи хатбошисидаги, 128-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 169-банднинг ўн олтинчи хатбошисидаги ва 273-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 41-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни бекор қилиш ҳақидаги битим асосий битимга қўшиб қўйиладиган алоҳида ҳужжат тузиш йўли билан амалга оширилади. Битим предмети қўчмас мулк бўлиб давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг бино ва иншоотларнинг таркиби ва тегишлилиги тўғрисидаги белгиланган намунадаги маълумотномаси (бундан кейинги ўринларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг маълумотномаси деб юритилади) талаб қилинади ҳамда Тизим орқали қўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги текширилади. Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, тегишли маълумотнома нотариус томонидан идоралараро сўров орқали Қо-

рақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалидан олинади.»;

иккинчи хатбошидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасида» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 44-банддаги ва 280-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасига» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 50¹²-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 50¹³-банднинг учинчи хатбошисидаги «150 минг АҚШ долларидан» деган сўзлар «600 млн. сўмдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 69-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий улушли мулк иштирокчилари ўртасида умумий мулкдаги уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги келишув уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг аниқ қисмларидан (квартиралар, хоналар, қаватлар ва шу қабилардан) фойдаланиш тартиби кўрсатилган ҳолда алоҳида битим тузиш йўли билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай битимларни тасдиқлашда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг маълумотномаси ва умумий улушли мулк иштирокчилари ўртасида умумий мулкдаги уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги аризалари талаб қилинади. Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, ушбу маълумотнома нотариус томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалидан идоралараро сўров орқали олинади.».

6. 70, 262 ва 279-бандлардаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасида» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 71-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар улушларнинг ўзгартирилиши умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири томонидан қўшимча қурилиш (ёнма-ён иморат қуриш, бино устига қават қуриш ва шу қабилар) ёки уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бузиш йўли билан амалга оширилган бўлса, нотариус туман (шаҳар) ҳокимининг бу ўзгаришлар тўғрисида қарори ва уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарорини, шунинг-

дек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг маълумотномасини талаб қилади. Мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат текширилиб, умумий улушли мулк иштирокчисига қайтариб берилади. Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, мазкур қарор ва маълумотнома нотариус томонидан тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалидан идоралараро сўров орқали олинади.»

8. 110-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«110. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномалари ҳақидаги маълумотлар ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйиш учун Тизим орқали юборилади.»

9. 10-параграф қуйидаги мазмундаги 135¹-банд билан тўлдирилсин:

«135¹. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автотранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ ишончномалар ҳақидаги маълумотлар ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйиш учун Тизим орқали юборилади.»

10. 121-параграф қуйидаги мазмундаги 141⁴-банд билан тўлдирилсин:

«141⁴. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автотранспорт воситаларидан текин фойдаланиш шартномалари ҳақидаги маълумотлар ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйиш учун Тизим орқали юборилади.»

11. 147-банднинг ўн учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг объекти автотранспорт воситаси бўлганда, шартнома нотариал тартибда тасдиқланганлиги ҳақидаги маълумотлар ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйиш учун Тизим орқали юборилади.»

12. 190-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«190. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ҳақидаги маълумотлар ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйиш учун Тизим орқали юборилади.»

13. 211-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмаси» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 231-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи — бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар мерос қолдирувчининг меросхўри мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса (трансмиттент), унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича (трансмиссар) ёки васият бўйича меросхўрларига ўтади.

Мерос трансмиссияси тартибда меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг (трансмиттентнинг) вафотидан кейин очилган мерос таркибига кирмайди ва мерос қолдирувчи вафот этган жойдаги нотариус

томонидан меросхўрнинг (трансмиссарларига) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Бунда нотариус вафот этган меросхўрнинг (трансмиссарларига) барча мерос мол-мулк васият қилинган ёки йўқлигини, меросхўрлар (трансмиссарлар) доирасини аниқлайди.

Масалан, 2010 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган марҳум А. Аҳмедовга тегишли мерос мулкка унинг меросни қабул қилишга улгурмасдан 2011 йилда Сирдарё вилоятида вафот этган фарзандининг меросхўрларига Тошкент шаҳридаги нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилади.»;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар тегишлича олтинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

15. 254-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«254. Агар мерос мулки таркибига уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми, корхона ёки бошқа кўчмас мол-мулк кирса, мерос қолдирувчига ушбу мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини тасдиқловчи хужжат, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг маълумотномаси тақдим қилинади. Бунда ушбу мулк тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги Тизим орқали текширилади. Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, тегишли маълумотнома нотариус томонидан идоралараро сўров орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалидан олинади.».

16. 283-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасини» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. Иловада:

а) 1-банднинг «Туман (шаҳар) номи» ва «Давлат нотариал идора номи» устунлари қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«

Тахиатош тумани	Тахиатош туман ДНИ
-----------------	--------------------

»;

в) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

13.	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳри	Ангрен шаҳар 1-сон ДНИ
		Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ шаҳар 2-сон ДНИ
		Нурафшон шаҳри	Нурафшон шаҳар ДНИ
		Янгийўл шаҳри	Янгийўл шаҳар 3-сон ДНИ
		Оҳангарон шаҳри	Оҳангарон шаҳар ДНИ
		Оҳангарон тумани	Оҳангарон туман ДНИ
		Бекобод шаҳри	Бекобод шаҳар 1-сон ДНИ
		Чирчиқ шаҳри	Чирчиқ шаҳар 3-сон ДНИ
		Бўстонлиқ тумани	Бўстонлиқ туман 3-сон ДНИ
		Бўка тумани	Бўка туман 2-сон ДНИ

	Бекобод тумани	Бекобод туман ДНИ
	Оққўрғон тумани	Оққўрғон туман ДНИ
	Қибрай тумани	Қибрай туман 2-сон ДНИ
	Қуйичирчиқ тумани	Қуйичирчиқ туман ДНИ
	Зангиота тумани	Зангиота туман 1-сон ДНИ
	Пискент тумани	Пискент туман ДНИ
	Паркент тумани	Паркент туман ДНИ
	Ўртачирчиқ тумани	Ўртачирчиқ туман 2-сон ДНИ*
	Юқоричирчиқ тумани	Юқоричирчиқ туман ДНИ
	Чиноз тумани	Чиноз туман 1-сон ДНИ
	Янгийўл тумани	Янгийўл туман 3-сон ДНИ
	Тошкент тумани	Тошкент туман 1-сон ДНИ

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**50 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш
ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшим-
чалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон «Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги 1034-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ–3379-сон қарори)»ги қарорларига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 январда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 январь,
27-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги
27-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қўйидаги мазмундаги 71²-банд билан тўлдирилсин:

«71². Энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни қўллаш масалалари билан боғлиқ шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг лойиҳалари «Энергия тежаш миллий компанияси» акциядорлик жамияти билан келишилиши шарт.».

2. 84-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ушбу ҳужжатларнинг электрон шакли электрон ахборот ташувчи жисмларда ҳам тақдим этилади ёхуд улар вазирликка электрон почта тизими орқали юборилади.».

3. 91-банднинг «е» кичик бандидаги «шаҳарсозлик» деган сўз чиқариб ташлансин.

4. Қўйидаги мазмундаги 125¹-банд билан тўлдирилсин:

«125¹. Давлат рўйхатидан ўтказилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан улар давлат

рўйхатидан ўтказилган куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-таҳлилий материаллар электрон шаклда юбориладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхати бўйича давлат органлари ва ташкилотларга юборилади.».

5. 126-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирликлар ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (зарур бўлган тақдирда, ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга) улар расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечикмай ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириши шарт.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ
ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

51 «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2005 йил 30 сентябрдаги 01-1/54, 1-сон «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1525, 2005 йил 28 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 360-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 декабрь,
126-сон

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори**

А. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 декабрь,
К-8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда
Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлигининг
2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сон қарорига
ИЛОВА

**«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш
воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник
сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-бандидаги «гигиеник сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Йўриқномада:

1) номидаги «гигиеник сертификат» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Радиацион хавфсизлик тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига (бундан буён матнда маҳсулотлар

деб юритилади) санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартибини белгилайди.»;

3) 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Санитария-эпидемиологик хулоса — озиқ-овқат маҳсулотининг ва уни тайёрлаш ҳамда ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуналарнинг санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

2. Санитария-эпидемиологик хулоса техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда гигиеник нормалар ва талаблар мавжуд бўлган маҳсулотларга берилади.»;

4) 3-банддаги «Гигиеник сертификат» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «норматив ҳужжатларида» деган сўзлар «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «гигиеник сертификатининг» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосанинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Маҳсулотларни гигиеник кўрсаткичларини аниқлаш учун таҳлиллар Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари (бундан буён матнда ДСЭНМ деб юритилади) лабораторияларида (бундан буён матнда лаборатория деб юритилади) аккредитация соҳасига мувофиқ амалга оширилади.

6. Бир-бирини такрорловчи таҳлиллар ўтказилишининг олдини олиш мақсадида аккредитация қилинган лабораториялар бошқа аккредитация қилинган лабораторияларнинг таҳлил натижаларини тан олишлари лозим.»;

7) II бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«II. Санитария-эпидемиология экспертизасини ўтказиш»;

8) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Маҳсулотни санитария-эпидемиологик экспертизасини ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

аризани қабул қилиш;

аризага илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш;

маҳсулот экспертизаси режасини тузиш;

санитария-эпидемиология экспертизасини ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш;

ишлаб чиқариш объектини санитария текширувидан ўтказиш ва лаборатория таҳлилларини ўтказиш учун маҳсулотлардан намуналар олиш;

лаборатория таҳлилларини ўтказиш;

санитария-эпидемиологик хулосани бериш.»;

9) 8-банддаги «Гигиеник сертификатлаштириш ўтказилиши» деган сўзлар

«Санитария-эпидемиологик хулоса олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 9-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Аризага ишлаб чиқариладиган махсулотга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг нусхаси (Давлатлараро стандарт — ГОСТ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти — O'zDSt, Ташкилотнинг стандарти — Ts) ва озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқаришда — технологик йўриқнома ва рецептура илова қилинади.

Четдан олиб келинадиган махсулотга санитария-эпидемиологик хулоса олиш учун қўшимча равишда:»;

11) 10-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. Санитария-эпидемиологик хулоса олиш учун ариза келиб тушган куни ижро учун ҳудудий ДСЭНМ бош врачлари имзоси билан санитария-эпидемиологик хулоса бериш билан шуғулланувчи бўлим (бўлинма) мудирга берилади.»;

12) 11-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агарда ҳужжатлар тўлиқ ҳолда тақдим қилинган бўлса, махсулот турига қараб экспертиза (намуналар олиш, ишлаб чиқариш объектида санитария текширувини ўтказиш), лаборатория (санитария-кимёвий, бактериологик, радиологик, токсикологик, паразитологик) таҳлиллари ўтказиш режаси тузилади ҳамда санитария-эпидемиологик хулоса бериш учун масъул санитария врачлари тайинланади.

Махсулот экспертизаси режаси тузилганидан кейин ҳудудий ДСЭНМ ва ариза берувчи ўртасида санитария-эпидемиология экспертизаси ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади.»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

13) 12-банддаги «икки кунлик муддат ичида» ва «гигиеник сертификат» деган сўзлар тегишлича «бир кунлик муддат ичида» ва «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 13-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

15) 15-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«15. Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари (бундан буён матнда Давлат ветеринария хизматининг ҳудудий бўлинмалари деб юритилади) ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ҳудудий инспекциялари (бундан буён матнда Ўсимликлар карантини бўйича ҳудудий инспекциялар деб юритилади) томонидан берилади.»;

16) 16-банддаги «Давлат ветеринария назорати органи» деган сўзлар «Давлат ветеринария хизматининг ҳудудий бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 17-банддаги «ветеринария ва фитосанитария назорати органларига» деган сўзлар «Давлат ветеринария хизматининг ҳудудий бўлинмалари ва

Ўсимликлар карантини бўйича ҳудудий инспекцияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 18-банддаги «синовлари» деган сўз «тахлиллари» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) 19 ва 20-бандлардаги «гигиеник сертификат» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 22-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин: «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг рўйхат рақамлари»;»;

21) 25-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Масъул санитария врачлари маҳсулот намунасини бактериологик, токсикологик, санитария-кимёвий, радиологик, паразитологик, вирусологик таҳлиллар учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда олади ва икки нусxada мазкур Йўриқ-номанинг 3-иловасида келтирилган шаклда намуна олиш далолатномаси тузади. Далолатнома санитария врачлари ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Унинг бир нусхаси маҳсулот эгаси ёки унинг вакилига берилади.»;

22) қўйидаги мазмундаги 28¹-банд билан тўлдирилсин:

«28¹. Бир неча турдаги маҳсулотларга хулоса бериш даврида санитария врачлари тақдим этилган ҳужжатлар ва маҳсулотларни ўрганиб чиқиб, тури, нави, таркиби ва номланиши бир хил, бир сменада ишлаб чиқарилган, технологик жиҳатдан бир хил ишловдан ўтган, битта юк хатига эга бўлган маҳсулотлардан умумлаштириш йўли билан лаборатория таҳлиллари ўтказиш учун намуналар олиши мумкин. Мазкур талаб гўшти, сутли, консерва маҳсулотлари, консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар учун тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, озуқавий қўшимчалар, овқатга қўшилаётган биологик фаол қўшимчаларга нисбатан татбиқ этилмайди.»;

23) II бобнинг учинчи параграфининг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«§ 3. Лаборатория таҳлилларини ўтказиш»;

24) 29 — 34-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Лабораторияга тақдим этилган намуналар бўйича тегишли маълумотлар мазкур Йўриқноманинг 3а-иловасига мувофиқ шаклдаги журналга киритиб борилади. Бунда, маълумотлар киритилгандан кейин хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар тўлиқ ўтказилади.

30. Маҳсулотлар тури бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича лаборатория мутахассислари (бактериолог, токсиколог, вирусолог, санитария-гигиеник, паразитолог, кимё, радиолог) томонидан таҳлиллар ўтказилади.

31. Маҳсулотларнинг хавфсизлик кўрсаткичлари санитария норма ва

қоидаларида ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда кўрсатилган усуллар бўйича аниқланади.

32. Тез бузилувчи маҳсулотлардан олинган намуна бўйича 2 соатлик муддат ичида таҳлил бошланиши лозим.

33. Маҳсулотлар таҳлилининг аниқ муддати таҳлилларнинг тегишли усуллари учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади.

34. Лаборатория таҳлиллари ўтказилгандан сўнг қолган маҳсулотлар 10 кун муддатгача лабораторияда сақланади, тез бузилувчи маҳсулотлар эса, яроқлилик муддати тугаганда йўқ қилинади.»;

25) 35-банднинг биринчи хатбошисидаги «синов» деган сўз «таҳлил» деган сўз билан алмаштирилсин;

26) 36-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Маҳсулот намуналарининг лабораториядаги таҳлил натижалари асосида мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ баённома тузилади ҳамда масъул санитария врачлари ва ариза берувчига тақдим қилинади.»;

27) 37-банддаги «синовларнинг» деган сўз «таҳлилларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

28) 38-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Ўтказилган лаборатория таҳлили баённомаси таҳлил ўтказилган маҳсулотнинг партиясига тааллуқли.»;

29) 39-банддаги «синов натижаларига асосан мазкур синов» деган сўзлар «таҳлили натижаларига асосан лаборатория таҳлили» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 40-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Лаборатория таҳлили баённомаси, санитария текшируви далолатномалари маҳсулотнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлик кўрсаткичлари талабларига мувофиқ ёки хавфсизлик кўрсаткичлари талабларига номувофиқлиги тўғрисида санитария-эпидемиологик хулоса бериш учун асос бўлади.»;

31) 41-банддаги «синовларининг салбий натижалари гигиеник сертификат» деган сўзлар «таҳлилларининг салбий натижалари санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32) кўйидаги мазмундаги 41¹-банд билан тўлдирилсин:

«41¹. Хавфсизлик кўрсаткичларига мувофиқ бўлмаган маҳсулот тўғрисидаги маълумот ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзстандарт» агентлигига маълумот берилади, зарур ҳолларда оммавий-ахборот воситаларида маълум қилинади.»;

33) II бобнинг тўртинчи параграфи ўз кучини йўқотган деб топилсин;

34) II бобнинг бешинчи параграфининг номи кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«§ 5. Санитария-эпидемиологик хулосани расмийлаштириш ва бериш»;

35) 49 — 52-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«49. Санитария-эпидемиологик хулосани расмийлаштириш учун масъул бўлган санитария врачлари томонидан хат (ариза, мурожаатнома), шартнома, санитария текшируви далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси, лаборатория таҳлили баённомаси ҳамда намуна олиш далолатномаси билан биргаликда санитария-эпидемиология хулосасини бериш билан шуғулланувчи бўлим (бўлинма) мудирига такдим этилади.

Такдим қилинган ҳужжатларнинг экспертизаси ва лаборатория таҳлиллари натижаларига кўра (маҳсулот бактериологик, токсикологик, вирусологик, санитария-гигиеник, паразитологик, кимёвий ва радиологик кўрсаткичлар бўйича инсон соғлиғи учун хавфсизлик меъёрларига мувофиқ ёки номувофиқлигини асослаган ҳолда) санитария-эпидемиологик хулоса бир иш кунда мазкур Ўзбекистоннинг 5-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

Санитария-эпидемиологик хулоса ҳудудий ДСЭНМ бош врачининг имзоси ва ушбу ДСЭНМнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилди, унга лаборатория таҳлили баённомаси нусхалари илова қилинади.

50. Ветеринария ва фитосанитария хулосалари олиниши ҳисобга олинган ҳолда санитария-эпидемиологик хулосани расмийлаштириш ва бериш муддати тегишли таҳлиллар усуллари учун норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб, бироқ 10 кундан ошмаган ҳолда белгиланади.

51. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга санитария-эпидемиологик хулоса — 3 йил муддатга, четдан олиб келинаётган маҳсулотга — маҳсулотнинг яроқлилиқ даврига, яроқлилиқ муддатига эга бўлмаган маҳсулотга эса — муддати кўрсатилмасдан берилди.

52. Санитария-эпидемиологик хулоса нусхаси, ариза, шартнома, бирламчи ҳужжатлар, бажарилган ишлар далолатномаси, лаборатория таҳлили баённомалари, намуна олиш далолатномаси, санитария текшируви далолатномаси, норматив ҳужжатлар нусхаси, кузатув хати билан биргаликда санитария-эпидемиология хулосасининг яроқлилиқ муддати тугагунга қадар архивда сақланади.

Яроқлилиқ муддати бўлмаган маҳсулотларга берилган санитария-эпидемиология хулосаларига тегишли бўлган ҳужжатлар 4 йилгача, четдан олиб келинаётган маҳсулотга эса берилган санитария-эпидемиология хулосанинг яроқлилиқ муддати тугагандан сўнг бир йил ўтгунча архивда сақланади.»;

36) 53-банддаги «гигиеник сертификат ёхуд фитосанитария ва ветеринария хулосалари» деган сўзлар «санитария-эпидемиология хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

37) 1, 2 ва 3-иловалар ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

38) Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4-иловасига мувофиқ таҳрирда 3-иловаси билан тўлдирилсин.

39) 4 ва 5-иловалар ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 5 ва 6-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Қиш-

лоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси, Савдо саноат палатаси, Давлат ветеринария кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги*

З. МИРЗАЕВ

2017 йил 1 декабрь

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш Давлат
кўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2017 йил 1 декабрь

*Савдо саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2017 йил 1 декабрь

*Давлат ветеринария
кўмитаси раиси*

Б. НОРКОБИЛОВ

2017 йил 1 декабрь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўсимликлар карантини Давлат
инспекцияси бошлиғи*

А. САДИКОВ

2017 йил 1 декабрь

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага
1-ИЛОВА

_____ ДСЭНМ бош врач
(худуд номи) _____ га
(Ф.И.О.) _____
(ариза берувчининг Ф.И.О.,
_____ юридик шахснинг номи ва юридик манзили
_____ ва раҳбарининг Ф.И.О.)

АРИЗА

_____ Сиздан _____
(ариза берувчининг номи) (маҳсулот ишлаб чиқарилган
_____ мамлакатнинг номи ёки ишлаб чиқариш манзили)
_____ (маҳсулотнинг тўлиқ номи, ассортименти ва партияси)

_____ ни ишлаб
чиқариш/сотиш учун санитария-эпидемиологик хулоса беришингизни сўрайман
(сўралади).

Ушбу маҳсулот(лар) учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этамиз:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

Тўловни кафолатлаймиз.

Ариза берувчининг реквизитлари:

Банк муассасаси: _____

Х/Р: _____

СТИР: _____

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлганда)

(имзо)

_____ (Ф.И.О.)

«__» _____ 20__ й.».

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

(тегишли ДСЭНМ номи)

САНИТАРИЯ ТЕКШИРУВИ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил «__» _____

Мен _____
(масъул санитария врач Ф.И.О.)

Қуйидагилар иштирокида _____
(маҳсулот эгаси

_____ ёки унинг вакили Ф.И.О., лавозими)

_____ (санитария текшируви ўтказилган жой манзили)

санитария текшируви ўтказилди ва қуйидагилар аниқланди:

1. _____ (масъул санитария врачнинг Ф.И.О.) _____ (имзо)

2. _____ (маҳсулот эгаси ёки унинг вакили Ф.И.О.) _____ (имзо)

(ишлаб чиқариш техник ускуналари санитария текширувидан ўтказилганда лаборатория мутахассиси иштирок этади ва санитария текшируви далолатномасини имзолайди)».

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
3-ИЛОВА

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага
3-ИЛОВА

МАҲСУЛОТЛАРДАН НАМУНА ОЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 ____ йил « ____ » _____

_____ -сон

Муассасанинг номи ва манзили _____

Намуна олинган вақт _____

Лабораторияга етказилган вақт _____

Етказиш ва сақлаш шароитлари _____

Намуна олишдан мақсад _____

Қўшимча маълумотлар _____

Намунанинг тартиб рақами	Намуналар номи (тури, нави)	Ишлаб чиқарувчи	Ишлаб чиқарилган санаси ва сменаси	Гуруҳ (партия) ўлчами ва тартиб сони	Намуна оғирлиги ва ҳажми	Олинган маҳсулотнинг ҳужжат рақами	Идиш ва ўрамнинг тури	Намуна олишни асословчи ҳужжат	Таҳлил мақсади	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Намуна олган масъул санитария врачлари _____
(Ф.И.О., лавозими)

_____ (имзо)

Намуна олишда иштирок этган шахслар _____
(Ф.И.О., лавозими)

_____ (имзо)».

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
4-ИЛОВА

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага
3а-ИЛОВА

ЛАБОРАТОРИЯГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН НАМУНАЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ЖУРНАЛИ

Т/р	Намуналар номи (тури, нави)	Ишлаб чиқарувчи	Ишлаб чиқарилган санаси ва сменаси	Гуруҳ (партия) ўлчами ва тартиб сони	Олинган намуналарнинг миқдори	Намуна олинган ҳужжат рақами	Идиш ва ўрамнинг тури	Намуна олишни асословчи ҳужжат	Таҳлил мақсади	Изоҳ
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
5-ИЛОВА

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага
4-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(лаборатория мудирининг ёки тегишли масъул шахснинг Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

МАҲСУЛОТЛАРДАН ОЛИНГАН НАМУНАЛАРНИ ТЕКШИРИШ БАЁННОМАСИ

20__ йил «__» _____

Лаборатория номи _____
(аккредитация гувоҳномасининг рақами,

манзили, телефони, факси)

Ариза берувчининг номи _____

Ишлаб чиқарувчининг номи _____

Маркалаш маълумотлари _____

Текширув объекти учун норматив ҳужжат _____

Таҳлил усуллари учун норматив ҳужжат _____

Таҳлил ўтказиш шароитлари _____

(ҳарорат, намлик ва бошқа шароитлар)

Текширув ўтказишга жалб қилинган шахс _____

Таҳлиллар ўтказиш натижалари

Кўрсаткичларнинг номи (талаблар)	Кўрсаткичларнинг аҳамияти (талаблар)		Кўрсаткичларнинг мослиги (талаблар)
	норматив ҳужжат бўйича	амалдаги	

Таҳлил ўтказилган сана _____

Қўшимча маълумотлар _____

_____ (лаборатория мутахассиси Ф.И.О)

_____ (имзо)

_____ (сана)

_____ (лаборатория мудирининг Ф.И.О)

_____ (имзо)

_____ (сана)».

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
6-ИЛОВА

«Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага
5-ИЛОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

(санитария-эпидемиология хулосасини берувчи муассасанинг номи)

(аккредитация гувоҳномасининг олинган йили ва санаси)

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУЛОСА № 000000

20__ йил «__» _____ дан _____ гача ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу хулосаси билан: _____
(ишлаб чиқарувчи, келиб чиқиш давлати, олиб келувчи)

(импорт, маҳаллий маҳсулотларга алоқадор меъёрий ёки асословчи ҳужжатлар)

Ишлаб чиқарилган (олиб келинган) маҳсулот: _____
(маҳсулот номи, миқдори)

(ўтказилган лаборатория текширувлари баённомалари, натижалари)

САНИТАРИЯ НОРМАЛАРИ, ҚОИДАЛАРИ ВА ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИГА ЖАВОБ БERAДИ.

Хулоса олувчи: _____
(муассасанинг номи ва юридик манзили)

(олиб келувчининг юридик манзили ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчининг манзили)

Қўлланиладиган, ишлатиладиган соҳа: _____

Ишлатиш, ташиш, сақлаш ва хавфсизлигига оид шарт-шароитлар _____

Махсус белгилар: _____

(санитария-эпидемиология хулосасини берувчи муассаса раҳбарининг Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «__» _____».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

56 «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ–1050-сон «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги 32, 69, ЭГ-01/10-1559, 2009-16 ва 01-02/8-5-сон «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1932, 2009 йил 31 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 167-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 2 июндаги 41, 70, 19, 2014-22, 01-02/8-06-сон «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1932-1, 2014 йил 13 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 24-сон, 301-модда).

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 январь,
7-сон

Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 январь,
2-сон

Ташқи савдо вазири**Ж. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 январь,
2017/09-17-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 январь,
2018-03-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. ТОХИРИЙ**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 январь,
01-02/8-2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

57 **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар такдим этганлик учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2964

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги ПҚ–3200-сон «Ички ишлар органларининг озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар такдим этганлик учун тарифлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 декабрь,
72-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 декабрь,
190-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия
вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги
72, 190-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли
учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун
ТАРИФЛАР**

1.	2 кишилик хонага суткалик тўлов учун	Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 5%
2.	3 кишилик хонага суткалик тўлов учун	Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 10%
3.	4 кишилик хонага суткалик тўлов учун	Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 15%

Изоҳ:

1. Мазкур тарифлар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларидаги (бундан буён матнда муассаса деб юритилади) маҳкумларнинг яқин қариндошларига узоқ муддатли учрашувлар учун хоналар тақдим этишда сарфланган харажатларни қоплаш учун ундирилади.

2. Тариф асосида тўловлар:

маҳкумлардан;

16 ёшгача бўлган (шу жумладан 16 ёшга тўлган) болалардан (агар болалар бошқа катта ёшдаги шахслар билан бирга келмаган бўлса);

I-гурух ногиронлиги бўлган шахслардан;

кам таъминланган оилалардан бўлган шахслардан (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кам таъминланган оила тўғрисидаги маълумотномаси асосида) ундирилмайди.

3. Тариф асосида ундирилган тўловлар узоқ муддатли учрашувлар хоналарини жорий ва капитал таъмирлаш, асосий воситалар ва товар моддий бойликларини, хўжалик инвентарларини харид қилиш (электр таъминоти, иситиш иссиқлик таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, маиший чиқиндиларни олиб чиқиш учун тўланадиган тўловлардан ташқари) харажатларни ўз ичига олади.

4. Тариф асосида ундирилган тўловлар муассасанинг ривожлантириш жамғармасида жамланади ва мазкур изоҳнинг 3-бандида кўрсатилган харажатларга ишлатилади.

5. Мазкур тарифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида ҳамда муассасаларда узоқ муддатли учрашувларга келган шахслар учун қулай ва кўринадиган жойларга жойлаштирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА ҚЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

58 Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида *

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-5

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сон ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 26 июндаги 13-сон қарори (рўйхат рақами 1842, 2008 йил 15 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 337-модда) билан тасдиқланган Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жарима санкцияларининг суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 декабрь,
189-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 январда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 декабрь,
2017-69-сон

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 декабрь,
01/15-1-10/36-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

60 **Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-14*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 декабрь
35/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
30 декабрдаги 35/6-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 12-банд «в» кичик бандининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Шахсни тасдиқловчи ҳужжатдан нусха олиниб, асли қайтариб берилади.»

2. 13-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек юридик шахс номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Ушбу ҳужжатлардан нусха олиниб, асли қайтариб берилади;».

3. 14-бандда:

«г» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) ваколатхона ёки филиалга берилган ваколатларни белгиловчи ҳужжат ҳамда ваколатхона ёки филиал номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи (паспорт ёки уни ўрнини босадиган) ҳужжати. Ушбу ҳужжатлардан нусха олиниб, асли қайтариб берилади.»;

«д» кичик банд чиқариб ташлансин.

4. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий валютада депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка мазкур Йўриқноманинг 5-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат) тақдим қилинади (нусхаси олиниб, асли қайтарилади). Ҳисобварақ очиш учун ариза жисмоний шахслар томонидан шахсан тақдим этилиши лозим, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар ўзлари танлаган банк (филиал)да ушбу Йўриқномада белгиланган тартибда депозит ҳисобварақ очганларидан сўнг, шу банк (филиал)да банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланган ҳолда бошқа депозит ҳисобварақларни очишлари мумкин.».

5. 18-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

61 **Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-3*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 декабрдаги ПФ-5276-сон «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги 814-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида икки йўлакли тизимни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. ТОХИРИЙ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 январь,
01-02/12-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил
5 январдаги 01-02/12-1-сон қарорига
ИЛОВА

**Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва
расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ ёзма декларацияланиши лозим бўлган нақд кўринишдаги Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси ва валюта бойликларига;».

2. 3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Декларация 16 ёшга тўлган шахслар томонидан мазкур Йўриқнома-нинг 2-бандида кўрсатилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидаги ўтказиш пунктлари орқали Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини кесиб ўтганда тўлдирилади.».

3. 7-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Декларация қуйидаги тарзда тўлдирилади:»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-бандда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёзма декларацияланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда қимматбаҳо буюмларнинг мавжудлиги ва миқдори кўрсатилади;».

4. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. 16 ёшга тўлмаган шахсларга тегишли бўлган ва ёзма декларацияланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валюталари, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, товарлар ва транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар улар билан бирга ҳаракатланаётган ота-оналари, бошқа қариндошлари ёки уларни кузатиб боровчи бошқа шахсларнинг Декларацияларида кўрсатилади.».

5. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ёзма декларацияланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, шунингдек товарлар

2. Ҳаракат тури: Кириш Чиқиш

Қайси мамлакатдан келди
(жўнаб кетган мамлакати кўрсатилади)

Қайси мамлакатга борапти
(бориш мамлакати кўрсатилади)

3. Сафар мақсади: Хизмат Ўқиш Иш Саёҳат

Қариндошларни йўқлаш Даволаниш Доимий яшаш жойи Тижорат

4. Багаж мавжудлиги тўғрисида маълумот: Ҳа Йўқ

5. Ёзма декларацияланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда қимматбаҳо буюмларнинг мавжудлиги ва миқдори кўрсатилади:

Т/р	Валюта номи	Миқдори	
		рақам билан	ёзув билан
1.			
2.			
3.			
Ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар:			
1.			
2.			

(орқа томони)

6. Товарлар товарлар ва транспорт воситаси тўғрисида маълумотлар

Т/р	Товарнинг номи (фарқлаш хусусиятлари, рухсат берувчи ҳужжатнинг рақами, берилган санаси ва уни берган орган)	Миқдори		Ўлчов бирлиги	Қиймати, АҚШ долларарида
		рақам билан	ёзув билан		
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					
9.					
10.					
11.					
12.					
13.					
14.					

Т/р	Товарнинг номи (фарқлаш хусусиятлари, рухсат берувчи ҳужжатнинг рақами, берилган санаси ва уни берган орган)	Миқдори		Ўлчов бирлиги	Қиймати, АҚШ долларларида
		рақам билан	ёзув билан		
15.					
Умумий қиймати (жами):					

Транспорт воситаси тўғрисида маълумотлар:

Давлат рақами _____ тури, русуми _____

Декларацияда нотўғри маълумотлар кўрсатганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиш тўғрисида хабардорман.

20__ йил «__» _____ Шахснинг шахсий имзоси _____

Божхона органи ходимининг шахсий муҳри ўрни».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

62 Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-91) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-9*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги ПҚ-3029-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 283-сон «Ўзбекистон Республикасида фуқаро ҳаво кемалари билан содир бўладиган авиация ҳалокати ва инцидентларни суриштириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 январда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон буйруғи (рўйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-91) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 январь,
106-Н-сон

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил
11 январдаги 160-Н-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва
экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация
қоидаларига (ЎЗР АҚ-91) киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 160-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«160. Ўзбекистон Республикаси ФАси парвозларининг метеорологик таъминоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмат маркази томонидан Халқаро ФАси тўғрисидаги Конвенциянинг 3-иловасига (1944 й.), ЖМТ (Жаҳон метеорологик ташкилоти)нинг техник регламентига, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро ва экспериментал авиацияси парвозларининг метеорологик таъминоти» авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-180), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларининг фойдаланишга яроқлилик нормалари» авиация қоидаларига, ҳар бир муайян аэропорт учун ишлаб чиқилган парвозларнинг метеорологик таъминоти бўйича йўриқномага мувофиқ ташкил этилади.».

2. 555-бандда «табиатни» деган сўз «экология ва атроф-муҳитни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 730-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ушбу талаблар парапланлар, дельтапланлар, мотодельтапланлар ва мотопарапланлар эксплуатантларига нисбатан татбиқ этилмайди.».

4. 731-банддаги «(кичик самолётлар, парапланлар, дельтапланлар, мо-

тодельтапланлар, мотопарапланлар, дельталётлар ва х. к.)» деган сўзлар «(кичик самолётлар, дельталетлар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 757-банддаги «Дельтаплан, параплан, мотодельтаплан, мотопараплан, дельталетларда» деган сўзлар «Дельтаплан, параплан, мотодельтаплан, мотопарапланда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 789³-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«789³. УУҚларининг парвозлари ердаги бошқариш станция монитори орқали (бошқариш пультадан) доимий назорат қилган ҳолда оддий метеороитларда амалга оширилади.»

7. 1059-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1059. Комиссия етиб келгунига қадар ердаги ва бортдаги магнитофонларни очиш ва эшитиш, борт ўзи ёзгичларини очиш ва ёзувларини расшифровка қилиш тақиқланади ва фақат комиссия раисининг ёки комиссия раиси ўринбосарининг қарорига мувофиқ унинг ихтиёрига топширилгандан сўнг дарҳол амалга оширилиши мумкин.»

8. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

Мудофаа вазири

А. АЗИЗОВ

2018 йил 11 январь

*Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
ҳузуридаги Гидрометеорология
хизмати маркази*

Бош директорининг в. в. б.

К. АРИПОВ

2018 йил 11 январь

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
Бош директори*

У. РОЗУҚУЛОВ

2018 йил 11 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**63 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 170-1

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 16 январдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги ММ-3-2/6-6-6124-сон ва Молия вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги ЕТ/15-02-32-26/5-сон Ўзбекистон Республикасида реализация қилинадиган халқ истеъмол товарларида шартномавий (эркин) чакана нархларни белгилаш вақтинчалик тартибини (рўйхат рақами 170, 1995 йил 7 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси раиси ўринбосари ҳамда «Ўзбекбирлашув» раиси ўринбосари томонидан 1995 йил 24 августда 05-4/2-53 ва ОЦ-3/51-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида реализация қилинадиган халқ истеъмол товарларида шартномавий (эркин) чакана нархларни белгилаш вақтинчалик тартиби (рўйхат рақами 170, 1995 йил 7 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 январда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 январь,
41-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

64 **Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2965

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 312-сон «Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш 2017 йил 1 декабрдан бошлаб мазкур қарорга иловада кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 18 декабрда эълон қилинган.

таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 19 октябрдаги 5-2016, 12-мх ва 34-қ/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2834, 2016 йил 24 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 508-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2017 йил 17 апрелдаги 1-2017, 23 ва 10-қ/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2834-1, 2017 йил 21 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 16-сон, 283-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил 8 январь,
1-2018-сон

И. МАДЖИДОВ

Халқ таълими вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 8 январь,
1-мх-сон

У. ИНОЯТОВ

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил 8 январь,
2-қ/қ-сон

А. ХАИТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлигининг 2018 йил
8 январдаги 1-2018, 1-мх ва 2-қ/қ-сон
қарорига
ИЛОВА

**Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга
соатбай ҳақ тўлаш
МИҚДОРЛАРИ**

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек мазкур муассасаларда ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	36,193,6
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	21,227,2
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	14,561,9
2.	Олий таълим муассасалари талабалари	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	41,364,1
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	26,125,6
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	18,930,3
3.	Таянч докторант ва докторантлар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари**	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	49,982,6
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	34,289,8
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	27,667,5

Т/р	Контингент	Ўқув машгулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
4.	Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар***	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	28,226,9
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	16,431,1
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	11,083,1

2. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машгулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	олий малака тоифали	16,454,4
		биринчи малака тоифали	15,510,4
		иккинчи малака тоифали	14,524,5
		олий маълумотли	13,563,2
		ўрта махсус маълумотли	12,678,4
2.	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	олий малака тоифали	13,631,0
		биринчи малака тоифали	12,364,0
		иккинчи малака тоифали	11,580,0
		олий маълумотли	10,816,2
		ўрта махсус маълумотли	10,119,4

*) илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машгулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.

**) олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машгулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи миқдори белгиланган миқдорларидан 25 фоизга кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машгулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машгулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилашга ҳақли.

***) ушбу бандда белгиланган ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий хусусиятга эга.

Изоҳ:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киририлган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Академик лицейларга ўқитувчилик фаолиятига меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида жалб этиладиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борувчи шахслар учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

5. Умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ишлаб чиқариш таълими усталарининг соатбай ҳақ тўлаш миқдори — 14561,9 сўм.

6. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

7. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

3. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 8 январь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 13 январдан 19 январгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги 26-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-16.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги 27-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-5.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сон «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 6 январдаги 01/10-10/03-сон «Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1504-5.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 6 январдаги 01/10-10/04-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектлар-

ни, объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатларни қайтарган ҳолда қайта сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1206-2.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2018 йил 9 январдаги 1-мх-сон «Ўзбекистон Республикасида футбол клуби тўғрисидаги намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 218-2.

7. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2018 йил 8 январдаги 66-сон «Амударё бассейнида эксплуатация қилинаётган ички сузиш кемаларига регистр талабларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 770-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 10 январдаги 7, 2, 2017/09-17, 2018-03, 01-02/8-2-сон «Ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 72, 190-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2964.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 189, 2017-69, 01/15-1-10/36-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-5.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/3-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-4.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-14.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 5 январдаги 01-02/12-1-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-3.

14. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 11 январдаги 106-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-91) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-9.

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 17 январдаги 41-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 170-1.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 1-2018, 1-мх, 2-қ/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2965.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича

салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1504, 2005 йил 5 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1504-1, 2010 йил 7 апрель), (рўйхат рақами 1504-2, 2013 йил 15 ноябрь), (рўйхат рақами 1504-3, 2015 йил 25 июнь), (рўйхат рақами 1504-4, 2017 йил 19 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 30-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларни, объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатларни қайтарган ҳолда қайта сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1206, 2003 йил 22 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1206-1, 2014 йил 3 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 31-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикасида футбол клуби тўғрисидаги намунавий низом (рўйхат рақами 218, 1996 йил 26 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 218-1, 2017 йил 13 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 32-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Амударё бассейнида эксплуатация қилинаётган ички сузиш кемаларига регистр талаблари (рўйхат рақами 770, 1999 йил 9 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 33-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитасининг «Ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1932, 2009 йил 31 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1932-1, 2014 йил 13 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 34-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикасида реализация қилинадиган халқ истеъмол товарларида шартномавий (эркин) чакана нархларни белгилаш вақтинчалик тартиби (рўйхат рақами 170, 1995 йил 7 сентябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 январдаги 41-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ

таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг «Уқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2834, 2016 йил 24 октябрь), шунингдек унга қўшимча (рўйхат рақами 2834-1, 2017 йил 21 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 18 январдаги 42-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

